

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 14 апрель • №15 (1399)

2022 ЙИЛ–ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ФАРМОНИ

ТИББИЁТДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ВА СОҲА ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Замонавий тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан янги форматдаги “Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадрини учун” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки:

юқори малакали ва малакали мутахассислар тоифасига кирмайдиган бошқа чет эл фуқароси бўлган шифокорлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берганлик учун йиғим миқдори 6 бараварга камайтирилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдориди ундирилади;

Ўзбекистон Республикасига қисқа муддатга (бир ойгача), шу жумладан, диагностика ҳамда даволаш амалиётларини бажариш, тажриба алмашиш дастурлари, маҳорат дарслари ўтказиш ва маърузалар ўқиш, ходимлар малакасини ошириш мақсадида келаётган чет эл мутахассисларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олиш талаб этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслардан даволаш муассасалари томонидан ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғим бекор қилинади;

даволаш муассасалари (бундан санаторий ва пансионатлар мустасно) учун туристик хизматларни сертификатлаштиришга бўлган талаб бекор қилинади. Бунда, даволаш муассасалари томонидан ташриф буюрувчиларни ҳисобга олиш автоматлаштирилган махсус дастур орқали электрон шаклда амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2863-сон қарориди назарда тутилган, юридик шахслар томонидан, шу жумладан, лизинг шартномаси асосида олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда сарфлаш материаллари учун божхона имтиёзларининг амал қилиш муддати 2025 йил 1 январга қадар узайтирилсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг тиббиёт асбоб-ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисм-

ларини ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлаш материалларини ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга асосан, 2025 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига 2025 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзларни назарда тутувчи ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиник базаларини ташкил этиб, уларда шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш;

малака тоифаси олиш учун талаб этиладиган иш стажини муддатини қисқартирган ҳолда, тоифасиз ходимларга 3 йил, биринчи тоифа учун – 5 йил, олий тоифа учун – 7 йил этиб белгилаш.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати

ҳамда Курилиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тегишли меъёрий ҳужжатларга хусусий тиббий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар учун лицензия олишда санитария ва курилиш талабларини соддалаштириш бўйича ўзгартиришлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев белгилансин.

9. Фармоннинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2022 йил 11 апрель

АМАЛИЁТ, ТАЖРИБА, МАҲОРАТ

ҚЎШРАБОТДА ТЎХТАБ ТУРГАН ЮРАКДА ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

Самарқанд вилоятининг олис ҳудуди — Қўшработ туманида тўхтаб турган юракда очик жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Бундай операция вилоятда илк бор туман миқёсида бажарилди.

Аввалроқ Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали мутахассислари бошчилигида бир ҳафта давомида Қўшработда тиббий кўриклар ташкил этилганди.

Натижада 1200 нафар аҳоли вакили скрининг текширувларидан ўтказилиб, уларнинг 300 нафариди турли юрак-қон томир касалликларини аниқланди. 57 нафариди эса

кардиохирургик амалиёти ўтказилиши режалаштирилди.

Хусусан, тиббий кўрик вақтида шошилиш кардиохирургик амалиётга муҳтож 5 нафар фуқаро танлаб олиниб, уларнинг 3 нафариди мазкур операция мувафаккиятли бажарилди. Қувқалла маҳалласида яшовчи Муниса Аҳмедованинг қизига ҳам юрак нуқсонини ташхиси қўйилди. Касаллик операция орқали

баргараф этилиши маълум бўлгач, бемор жарроҳлик столига ётқизилди. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали бош шифокори Мақсуд Саидовнинг маълум қилишича, тиббий кўрикда юрак операциясига муҳтож деб топилган 60 нафарга яқин қўшработлик беморнинг барчаси шунинг ўзида операция қилиниб, соғломлаштирилади.

Шунингдек, туман шифокорларининг вилоят марказида малака ошириши йўлга қўйи-



либ, келгусида бундай мураккаб амалиётлар маҳаллий кардиожарроҳлар томонидан ба-

жариллиши режалаштирилган.
Намозжон ТОЛИПОВ,
журналист

ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДАГИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Жорий йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларда фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид фармони қабул қилинган эди. Унга кўра, маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Йиғилишда шу борада бошланган ишлар, тармоқдаги лойиҳалар ҳолати танқидий таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда йилига 1 миллиард 600 миллион долларлик фармацевтика маҳсулотлари истеъмол қилинади. Шундан қатъи қисми – қарийб 1 миллиард 200 миллион долларлик маҳсулотлар импорт қилинмоқда.

Худудлар кесимида олганда, маҳаллийлаштириш даражаси мутлақо қониқарсиз. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларида истеъмол қилинадиган дорининг атиги 2-5 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келади.

Шу боис, Фармацевтика

тармоғини ривожлантириш агентлигида лойиҳалар билан ишлаш тизимини янгидан қилиш вазифаси қўйилди. Дори воситаларига талабни ўрганиб, уларни маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Хусусан, жорий йилнинг ўзида 80 миллион долларлик 34 та лойиҳа режалаштирилган. Мутасаддиларга бу борада тадбиркорларга кўмаклашиб, лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Йирик хорижий компаниялар билан музокаралар ўтказиб, уларнинг брендларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Инвестициялар лойиҳа маркази томонидан яна 18 та истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилган. Давлатимиз раҳбари уларни Ҳиндистон, Германия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этиш бўйича тавсиялар берди. Янги лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда айланма маблағлар учун 200 миллион доллар кредит ресурслари жалб қилинадиган бўлди.

Тармоқдаги экспорт маса-

ласи муҳокама қилинар экан, унинг қатъи қисми Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан бўлаётгани, қолган худудларда бу кўрсаткич анчада паст экани кўрсатиб ўтилди. Янги лойиҳалар натижасида фармацевтика маҳсулотлари экспортини кескин ошириш мумкинлиги қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига юртимизда талаб юқори бўлган 120 турдаги дори воситаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 3 йил муддатга қатъи ҳарид қилиш бўйича кўрсатма берилди. Бунда, айниқса, онкология, гематология, эндокринология ва вирусли касалликлар учун дорилар нархини арзонлаштириш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунгача дори ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш учун қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган хомашёлар рўйхати бешта идора томонидан тасдиқланар эди. Эн-

диликда бу рўйхат учта – Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Божхона қўмитаси ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланиши белгиланди.

Шунингдек, энди маҳаллий корхоналарнинг “GMP” сертификатини олиш билан боғлиқ харажатлари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилади. Корхоналарни модернизация қилишни молиялаштириш Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси иштирокида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоят ҳокимларига 80 та туманни доривор ўсимликларни етиштиришга мослаштириб, плантациялар ташкил этиш топширилди.

Бу тажрибани кенгайтиришда кооперация ва оилавий тадбиркорлик учун назарда тутилган барча имтиёз ва молиялаштириш тартиблари татбиқ этилади.

Қайд этилганидек, доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган корхоналар 2025 йил 1 ян-

варга қадар ускуна ва эҳтиёт қисмлар, хомашё импортида божхона божидан озод қилинади. Уларга тайёр маҳсулотлар экспорти учун транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисми қоплаб берилади, ҳар 10 гектар плантацияларга сув чиқариш учун 600 минг сўмдан субсидия ажратилади, доривор ўсимликлар плантацияларига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Давлатимиз раҳбари доривор ўсимликлар кластерлари ташкил этиш, худудлардаги олий таълим муассасаларида фармацевтика бўйича факультетлар очиш таклифларини қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар, соҳадаги етакчи корхоналар раҳбарлари ва доривор ўсимлик етиштирувчи тадбиркорлар сўзга чиқди. Президентимиз уларнинг таклиф ва ташаббусларини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

БЕМОР ЭМАС, ШИФОКОРЛАР БОРИШДИ...

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, бунда энг аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада белгиланган йўл харитасида ҳам марказлардан олисда яшовчи аҳолини соғлом турмуш тарзига ўргатиб, тиббий маданиятни юксалтириш, тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилиш каби масалалар асосий ўринда қайд этилган.



Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан вилоятнинг олис худудларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, хонадонбай ишлаш тизими асосида вилоят марказидаги даволаш профилактика муассасаларининг малакали мутахассисларидан иборат тарғибот гуруҳларининг аҳоли хонадонларида тиббий кўриқлари ташкил этилди.

– Тарғибот тадбирларимиз вилоятимизнинг олис худудлари-

дан бири бўлган Қўшрабат туманидан бошланди, – дейди **вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Сухроб Зайниев**. – Самарқанд шаҳридаги 23 та даволаш профилактика муассасалари ҳамда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг вилоятимиздаги филиалларининг 600 нафарга яқин мутахассислари аҳоли хонадонларига кириб борди. Мақсад аҳолига соғлом турмуш тарзини тушунтириш, тўғри овқатланиш бо-

расида тушунчалар бериш ҳамда бирламчи тиббий кўрик асосида уларнинг саломатлигини текширувдан ўтказишдан иборат.

Қўшрабат туманининг 23 та маҳалласида ўтказилган тарғибот тадбирлари давомида 3-4 хавф гуруҳларига қириқчи беморлар ҳамда хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилди.

– Тарғибот тадбирининг туманимиздан бошланганлиги аҳолимизга яна бир қулайлик бўлди, – дейди **Қўшрабат туман тиббиёт бирлашмаси бошлиги Улғубек Шамсиев**. – Беморлар аксарият ҳолларда касалликнинг авж нуктасида шифокорга мурожаат қилади. Тарғибот тадбирлари давомида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тўғри овқатланиш турли хасталикларнинг олдини олишдаги энг бирламчи вазифа эканлиги тушунтирилди. Шунингдек, тиббий маданият борасида ҳам тушунчалар берилиб, касалликни даволагандан олдини олиш афзаллиги қайд этилиб, илк аломатларда шифокорга мурожаат қилиш бўйича тушунча берилди. Энг муҳими, олис худудлардаги аҳоли тарғибот асносида малакали мутахассислар кўригидан ўтиш ва уларнинг тавсиясини олиш имкониятига эга бўлди. Хусусан, аёллар вилоят перенатал маркази мутахассислари томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди.

Бевосита хонадонда туриб, малакали мутахассислар текширувидан ўтиб, зарур тавсия-



ларни олган фуқаролар ҳам тиббиётдаги ўзгаришлардан мамнун эканликларини билдиришди.

– Вилоятимиз марказигагача 100 километрдан ортиқ масофа босиб, тиббий текширувларга боришга ҳар доим ҳам вақтимиз, имкониятимиз бўлавермайди, – дейди **Заркент маҳалласида яшовчи Латиф Садуллаев**. – Борганда ҳам турна қатор навбатларда туриб, бир мутахассисга қириқчи улгурасак, иккинчисига улгурмай ортга қайтардик. Давлатимиз раҳбари ташаббуси би-

лан марказдаги мутахассисларнинг уйимизга келиб, бизни соғлом ҳаётга даъват этипти.

Текширувдан ўтказиб, зарур кўрсатмаларни беришти, бундан мамнунимиз. Саломатлигимдан шикоятим йўқ. Аммо онам гоҳ-гоҳида қон босимидан шикоят қиларди. Мутахассислар текширувидан кейин фақатгина қон босими эмас, аёллар хасталигидан ҳам безовта бўлаётганлиги аниқланди. Шифокорлар зарур кўрсатма ва тавсиялар бериб кетишди.

Туманда ўтказилган тарғибот тадбирлари давомида 8 мингга яқин хонадонда 38 минг нафардан ортиқ аҳолига керакли тавсиялар берилди. Шунингдек, фуқароларга ноинфекцион касалликларга мойиллигидан келиб чиққан ҳолда, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, касалликлар профилактикаси бўйича қўлланмалар тарқатилди.

Ғ. ҲАСАНОВ,

Суратлар муаллифи **А. ИСРОИЛОВ.**

ИФТИХОР

ТЎҚСОН ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА ИНСТИТУТ УНИВЕРСИТЕТГА АЙЛАНДИ

Тиббиёт соҳасида Марказий Осиёдаги энг қадимги олий ўқув-юртларидан бири бўлган Самарқанд давлат тиббиёт институтининг тарихи 1930 йил май ойидан бошланади.



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 апрель куни имзоланган “Самарқанд давлат тиббиёт университети ташкил этиш ва соҳада кадрлар тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори таълим муассасамиз ҳаётида янги даврни бошлади. Мазкур қарор билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Самарқанд давлат тиббиёт университетига айлантирилди. Қарорга кўра, Самарқанд тумани, Ўрташиқ қишлоғида жойлашган вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси негизида Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти ташкил этилади.

Шунингдек, институтнинг биринчи ва иккинчи клиникалари университетнинг кўп тармоқли клиникаси ва ихтисослашган болалар хирургик клиникаси бўлади. Бундан ташқари, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Л.М.Исаев номидаги филиали ва унинг клиникаси негизида университет хузуридаги илмий-тадқиқот институти ва унинг клиникаси, нейрохирургия ва нейрореабилитацияга ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази яратилади.

Ушбу ислохотларнинг ортидан вилоятимизга чегарадош бўлган ҳудудлар аҳолиси ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари кенгайди.

Университетимиз юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, клиника ва ўқув базалири фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратади. Энди университет вилоят ҳамда кўшни ҳудудлар соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжлари ва муаммоларини мунтазам ўрганиб боради. Уларни бартараф этиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизими ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида узвий ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўяди.

Келгусида университетнинг таркибий тузилмалари раҳбарлари университет Кенгашининг тақдимномасига кўра, соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ушбу қарор билан вилоятдаги Абу Али ибн Сино номли жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари университетга бириктирилди. Келгусида мазкур техникум ва коллежлардаги таълим ва амалиёт сифати учун бевосита маъсул бўлиб, уларда зарур методик базани яратади ва ўқув жараёнига тажрибали мутахассислар жалб этиб борилади. Техникум ва коллеж ўқитувчиларига илмий-методик жихатдан кўмаклашилади.

Қарорга биноан тиббиёт университети кафедралари туман (шаҳар)ларга бириктирилиши олис ҳудудларда яшаётган аҳоли учун замонавий тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтирди.

Масалан, жорий йилнинг 2 апрель санасидан университет профессор-ўқитувчилари ва ходимлари иштирокида Қашқадарё вилояти ҳамда вилоятимиз туманларида аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида (оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника) ҳамда барча қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизмат кўрсатилди. Жумладан, Оқдарё туманида аҳолининг саломатлик ҳолати, касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик даражаси ўрганилди.

Шу кунга қадар мазкур муассасани 40 мингдан ортиқ талаба би-тириб, шифокорлик касбини эгаллаган. 90 йиллик шарафли тарихга эга институт тиббиёт соҳаси учун минглаб шифокор, илмий ходим, фан арбоби, академик, жамоат ва давлат арбобларини тайёрлаган.



Туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” хоналари ташкил қилиниб, махсус тайёргарликдан ўтган шифокор ва ҳамширалар томонидан аҳоли ўртасида тарғибот тадбирларини амалга оширди.

Бугунги кунда республика-миз олий таълим муассасаларида чет мамлакатларнинг нуфузли университетлари ҳамкорлигида йўналишлар, факультетлар очилмоқда. Жумладан, университетимизда Россия Федерациясининг Приволжск тадқиқот тиббиёт университети (даволаш иши, педиатрия иши ва стоматология иши йўналишлари), И.Н.Ульянов номидаги Чуваш давлат университети (клиник психология йўналиши), Саратов давлат тиббиёт институти (фармация йўналиши), Украина Республикасининг Горбачевский номидаги Тернополь таълим факультетида 260 нафардан кўпроқ талаба тахсил олмоқда.

Юқорида келтирилган бакалаврият таълим дастурлари билан бир қаторда универси-

тетда кўшма магистратура ва клиник ординатура таълим дастурлари ташкил этилмоқда. Университетда 2021 йилдан бошлаб Европа Иттифоқининг ERASMUS дастури доирасида умумий қиймати 2 миллион еврони ташкил этувчи 2 та халқаро академик грант лойиҳа, шунингдек, АКШнинг “Smile Trend” ташкилотининг гранти ҳисобидан стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги соҳасида илмий лойиҳа амалга оширилмоқда. Ҳозирда университетда ўқитишни ташкил этиш учун кредит-модул тизими жорий этилган бўлиб, бу олий таълим соҳасида етакчи тенденция эканлиги намойён бўлмоқда.

Ушбу тизимнинг республика олий таълимига татиқ этилиши, шубҳасиз, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини оширишга, шунингдек, бизнинг олий таълим тизимимизни жаҳон таълим тизими-мига жалб қилишга ёрдам беради. Олийгоҳимизнинг университети айлантирилиши келгусида халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кучли тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш ва сифатини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори,
профессор.

БИРЛАМЧИ ТИЗИМДАН АҲОЛИ МАМНУН



Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан олиб борган очиқ мулоқотларидан сўнг оилавий поликлиниками-даги тиббиёт ходимларининг касбга бўлган садоқати, ишти-ёқи ва маъсулияти янада ошди.

Айниқса, маҳаллабай ишлаш фаолиятига янада кенг имко-ният яратилди. 51 оилавий по-лиликнамиз Юнусобод туманида жойлашган бўлиб, жамоа-

миз ходимлари 9 та маҳалладаги 36 510 минг аҳолига тиббий хиз-мат кўрсатади. Поликлиника-миз ҳудудида жойлашган Ғай-ратий маҳалласида 2021 – 2022

йилнинг 1-чорак якунлари бўй-ича ҳисобот берилди. Таъкидла-шим муҳимки, иштирокчиларга аҳоли орасида касаллик кўрсат-кичлари ижобий томонга ўзгар-ганлиги, маҳаллабай кесимдаги фаолиятларда тиббиёт ходимла-рининг ўрни, шунингдек, Юрт-бошимиз томонидан соҳага оид қабул қилинаётган меъёрий ҳуж-жатлар замирида устувор масала инсон саломатлиги яъни Ўзбе-кистон тиббиёти - инсон кадр-и учун тамойили асосидаги фао-лиятлар самарали кечаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар етқа-зилди. Шу билан бир қаторда аҳолига Президентимиз ташаб-буси билан кундузги шифохона соат 8:00 дан 20:00 гача фаолият кўрсата бошлагани, 2022 йилда поликлиникага бериладиган бе-пул дорилар ва тиббий буюмлар сони 80 тадан 120 хилга оширил-ганлиги айтиб ўтилди.

Тадбир давомида Ғайратий маҳалласида яшовчи диспансер ҳисобида турувчи 65 та аҳоли тор мутахассислар окулист, лор,



ортопед, эндокринолог, карди-олог, невропатологнинг тиб-бий кўригидан ўтказилди. Шу-нингдек, фуқаролар саломатлиги ЭКГ, УЗИ аппаратларида текши-

риб кўрилди, лаборатор таҳлил-лар олинди. Уйда ётоқли бўлган беморлардан 6 нафарининг са-ломатлигидан хабар олинди ва жойида ёрдам кўрсатилди.

Тадбир давомида соғломлаштиришга муҳтож 5 нафар бе-морга поликлиниканинг кундузги шифохонасига ва 2 нафар беморга эса шаҳар шифохонасига йўлланма берилди, эндокри-нолог шифокор доимий рўйхатда турадиган беморларга эндо-крин дориларини бепул тарқатди ҳамда аҳоли орасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи тўғрисида суҳбатлар ўт-казиб, тарқатма материаллар тақдим этди.

Гўзал ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани
51-оилавий поликлиника бош шифокори.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

МАҚСАДЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН ҚАДРИ МУЖАССАМ



Хуршид ФОЗИЛОВ,
Республика ихтисослаштирилган
кардиология илмий-амалий тиббиёт
маркази директори

Мумладан, аҳолига кўрсатилаётган кардиологик ва кардиожаррохлик хизматлари сифатини яхшилаш, ҳудудларда юрак-қон томир касалликларини олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини тизимли равишда яхшилаш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалар билан узлуксиз таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги “Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 103-сонли қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очик мулоқотида белгилаб берилди ва ушбу вазифаларнинг ижроси бўйича аниқ чора тадбирлар белгиланди.

Юқоридаги муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан куни кеча Қашқадарё ва Наманган вилоятларида соғломлаштириш акцияси бўлиб ўтди. Хабарингиз бор унда вазирик марказий аппарати жамоаси, ихтисослаштирилган марказлар мутахассислари ва тиббиёт олий ўқув юртлари профессор ўқитувчиларидан иборат тиббий гуруҳ фаол тарзда иш олиб борди.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази хо-

Бугунги кунда мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни амалга ошириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш долзарб масалага айланганлиги аини ҳақиқатдир. Албатта, бу каби ислохотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказган “Очиқ мулоқот”ида ҳам яққол кўриш мумкин. Аини пайтда Очиқ мулоқотда белгилаб берилган муҳим вазифалар ижросини таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда.



димлари ҳам икки гуруҳга бўлиниб, мазкур вилоятларда акция доирасида белгиланган вазифалар бўйича фаолиятларни амалга оширдик. Мен ва бир гуруҳ мутахассисларим Қашқадарё вилоятининг Чирокчи, Шахрисабз ва Косон туманларида бўлиб, жойларда “Хонадонбай” тамойили асосида аҳоли орасида тиббий кўриклар ҳамда тиббиётнинг бирламчи бўғинида шифокорлар малакасини ошириш бўйича семинарлар ўтказдик. Шунингдек, олиб борилган тиббий хулосалар бўйича аҳолига муҳим тавсия ва маслаҳатлар берилди. Операцияга муҳтож бўлган беморларда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қарши филиалида юракнинг очик турдаги амалиётлари маҳаллий шифокорлар билан ҳамкорликда муваффақиятли бажарилди. Чирокчи туманида ўтказилган тиббий кўриқда Султо-



ной Эшназарова 29 ёшли жиянининг соғлиги ниҳоятда жиддий эканлиги, унда туғма юрак нуқсонини борлиги ва шу пайтгача оилавий шароити тўғри келмаганлиги сабабли, операция қилдиришга имкони бўлмаганлиги ва беморнинг ахволи кундан кунга оғирлашиб бораётганлигини афеус билан айтди. Беморни тиббий кўриқдан ўтказиб бўлгач, унга марказимизда бепул операция



ўтказишга йўлланма олиши учун тавсия бердик ва ўз назоратимизга олдик.

Профессор Гулноза Хамидуллаева бошчилигидаги бир гуруҳ тажрибали мутахассислар Наманган вилоятида бўлишди. Мутахассисларимиз Наманган вилояти туманларида уйма-уй кириб, ётоқда бўлган инсонлар ҳолидан хабар олишди. Беморларга керакли тавсиялар беришди. Шунингдек, аҳолига соғлом турмуш тарзи, юрак-қон томир касалликларини олдини олиш бўйича керакли маслаҳатларни беришди.

Давлатимиз раҳбарининг юрак-қон томир касалликлари бўйича қабул қилган 103-сонли қарорида касалликлар профилак-

тикасига алоҳида урғу берилган. Мазкур Қарор ижроси бўйича тиббиётнинг бирламчи бўғинида фаолият юритувчи оилавий шифокорлар ишини соддалаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ЖССТ нинг протоколига асосланган юрак-қон томир касалликлари хавф стратификациясини баҳолаш учун илова яратилди. Мутахассисларимиз ушбу мобил иловани амалиётга татбиқ этишни Уйчи туманидан бошлаб беришди. Марказимиз мутахассиси тиббиёт фанлари номзоди Жамшид Ирисов бирламчи бўғин муассасаларида бўлиб, янги воситани ўрнатиш бўйича шифокор ва ҳамшираларга керакли тавсияларни берди. Албатта, бу ангилкни асл мақсади юрак-қон томир касалликлари хавфини эрта аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Мобил иловадан биргина врачлар эмас, ҳатто ҳамширалар ҳам фойдаланиши мумкин. Ўйлайманки, мутахассисларимиз томонидан олиб борилган бундай эзгу мақсадли ишлар халқимизни саломатлигига бўлган эътиборини янада оширишга, касалликларни олдини олишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Кенг доирада олиб борилаётган саломатлик акцияси-дан кўриниб турибдики, Президентимиз таъкидланганларидек, инсон қадрини ҳар нарсадан устунлиги, унинг саломатлиги ва турмуш фаровонлиги тиббиётда белгиланган мақсад ва вазифаларда мужассам эканлигини ифода этди десам янглишмайман. Бундай Саломатлик акцияларини барча вилоятларда ўтказиш режалаштирилган бўлиб, аини кунда марказимиз мутахассислари билан Сурхондарё вилоятида саломатлик акциясини давом эттирмоқдамиз.

“ТИНЕ 2022”


ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Аини пайтда “Ўзэкспомарказ” мажмуида бўлиб ўтаётган “Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ 2022” халқаро тиббиёт кўргазмаси ана шу вазифалар ижроси учун кенг майдон вазифасини ўтмоқда.

Унда дунёнинг ўн беш мамлақати — Германия, Ҳиндистон, Испания, Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Латвия, Покистон, Польша, Россия, Беларусь, Чехия, Қозоғистон ва Қирғизистондан ташриф буюрган 150 та компания вакиллари ўз маҳсулотлари билан иштирок этипти. Ўз навбатида, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган 40 та маҳаллий компания ҳам тиббий асбоб-ускуналар, до-

ри-дармонлар, фармацевтика саноати ҳамда стоматология йўналиши учун мўлжалланган технологиялар, лаборатория жиҳозларини намойиш қилмоқда. Улар орасида “TCG-MTL”, “Health Pharm Service”, “Premium Technics”, “Intermed Innovation”, “Albatros Healthcare”, “BTL Medical Technologies”, “Byork” каби қатор корхоналаримиз бор. 14 апрелга қадар давом этадиган халқаро кўргазма доира-

сида “Соғлиқни сақлашда замонавий технологиялар” мавзусида илмий-амалий семинарлар ўтказилиши режалаштирилган. Муҳокамалар чоғида юртимизда ички тиббий туризмни ривожлантириш, клиник биокимё бўйича комплекс ечимлар, лаборатория тиббиёти, молекуляр генетик тадқиқотларни ташкил этишда замонавий ёндашувлар, амалий тиббиётда молекуляр диагностика истикболлари каби қатор мавзуларда маърузалар тингланади. Бинобарин, семинарлар давомида ўзлаштириладиган янги маълумотлар, билим ва тажриба Ўзбекистонда





тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қи-

лиши, шубҳасиз.

МЕХНАТИНГИЗ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Кейинги йилларда саломатлигимда жиддий ўзгаришлар бўлиб, тез-тез даво муолажалари ола бошладим. Соғлигимни тиклаш мақсадида пойтахтимиздаги шифо масканларида даволаниб чиқаман.

Биринчи гуруҳ ногирони бўлганлигим сабабли, имтиёзим бор. Ҳар йили Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги 5-шаҳар клиник шифохонасида малакали тиббиёт ходимлари томонидан бепул тиббий хизмат олиш имкониятига эгаман. Эътирофлиси шундаки, мазкур клиник шифохонада беморлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Тиббиёт муассасасининг бош шифокори Гулнора Кенжаева, ўринбосари Очақиз Усманова, касаба уюшма кўмитасининг раиси Эътибор Ҳайдарова ҳамда неврология бўлимининг бошлиғи Л. Фатхуллаева, хирургия бўлимининг бошлиғи К. Ахроров, катта ҳамшира Л. Тожибоева, интенсив терапия бўлими бошлиғи И. Очилов, кардиолог-врач Ш. Латипов, интенсив бўлимининг катта ҳамшираси А. Зуфарова ва бир-биридан чаккон ҳамширалар И. Ковалёва, З. Мирзакулова, Ф. Бойматова, Ш. Курбанова, Г. Абдижапарова, Г. Ортиқова, тозалик посбонлари М. Турсунбаева, Г. Усманова, М. Зияева, М. Назарова, О. Султанова, Г. Шаиносова, Е. Хан, хўжалик бекаси Р. Нурматова, шунингдек, физиотерапия бўлимининг катта ҳамшираси З. Жамолова, ҳамшира З. Мирзаахмедова, М. Эргашева, уқаловчи ҳамшира М. Боймуродова, жисмоний даволаш инструктори Е. Сукари ҳамда кадрлар бўлими бошлиғи Р. Мамирова, бош ошпаз Х. Жуманова, парҳез ҳамшираси С. Хушвақтова ва овқат тарқатувчи К. Алибековалар меҳнатидан гоят миннатдорман. Ушбу шифо масканининг ҳар бир шифокору, ҳамшираси, кичик тиббиёт ходими, қолаверса, барча ходимларига мазкур газета орқали ўзимнинг яна бир бор дил ташаккуримни айтиб, уларнинг масъулиятли ва шарафли касбларига ривожлар тилаб қоламан.



ҚАЛБИМДАГИ ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА

Шунингдек, Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 54 оилавий поликлиника ходимлари меҳнатидан ҳам гоят мамнунман.

Биринчи гуруҳ ногирони бўлганлигим сабабли, тиббиёт муассасасига бора олмайман. Аввало, оилавий поликлиникадан фаолиятларини самарали йўлга қўйган, ходимлар малакасини ошириб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда катта ҳисса қўшаётган поликлиниканинг бош шифокори Дилфуза Абдурахмоновага алоҳида миннатдорлик билдираман. Сабаби, шифо масканининг тажрибали мутахассислари хонадонимга келиб, ҳолимдан доимий хабар олиб туришади. Керакли даво муолажаларини уйда ўтказишади. Айниқса, ҳудудимиз шифокори Камола Муҳаммадалиева, невропатолог Лола Абдуллаева, поликлиника мудираси Шоира Ашурова, хирург Нарзикул Бобоев, катта ҳамшира Гулчеҳра Махманова каби шифокор ва ҳамширалар кўрсатган сифатли тиббий хизматдан розиман. Уларга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Шу ўринда саломатлигимдан доимий хабардор бўлиб турган Юнусобод тумани тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимининг ижтимоий ходими Шахноза Фуломованинг меҳнатларини ҳам алоҳида тилга олиб ўтмоқчиман. Шахнозага ҳам дил изҳоримни билдириб, доимо соғ-саломат бўлиб юришини истаб қоламан.



Халқимиз бахтига тиббиёт ходимларимиз омон бўлишсин. Улар меҳнати таҳсинга лойиқдир.

И. ПЯГАЙ,
Тошкент шаҳри.

КОНГРЕСС

ГЛАВНОЕ – НЕ НАВРЕДИ

Состоялся 16-й Всемирный конгресс по противоречиям в неврологии (CONy). Этот ежегодный четырёхдневный форум вот уже в третий раз прошёл в режиме онлайн, хотя предполагался в очном формате в Дубае (ОАЭ).

